

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ 5

Тошкент шаҳар

"20" Октябр 2022 йил

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими (кейинги ўрида "буюртмачи") номидан Устав асосида иш юритувчи Янгиҳаёт туман мактабгача таълим бўлими мудир Нишанбекова У.А. бир томондан ва ШОХЖАХОН ТРАНС ҚУРИЛИШ СЕРВИС МЧЖ (кейинги ўришларда "пудратчи") номидан Устав асосида иш юритувчи директор Зоиров.Ғ.Ш иккинчи томондан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 353 мактабгача таълим ташкилоти ҳудудини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунга асосан <https://xarid.uzex.uz> маҳсул ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012161219) эълон қилинган ва Янгиҳаёт туман ҳокимлиги харид комиссиясининг 2022 йил 17 октябрдаги 4-сонли баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар: мазкур пудрат шартномасини туздилар:

### I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

### II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

### III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 485 000 000 (Тўрт юз саксон беш миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўридош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараёнининг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-қурилиш майдони кўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган Фуқаролар ташаббуси жамғармаси аблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан 30 фоизгача бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда пудратчига қайтариб беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи аванс (бўнак) олгандан кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII ТҶЛОВ ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунак(аванс) маблағи ўтказди.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.3. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.4. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилди. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.6. Пудратчи буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.7. Агар буюртмачи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## ХI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирлаш объект тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.2. Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

11.3. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда ваколатли орган балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% (фоизи) миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% (фоизи) миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

## XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади ҳамда шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

**Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман МТБ**  
Тошкент ш. Янгиҳаёт тум. Йўлдош-1, 1А-уй  
Ш/х: 100022860262927091100251002  
ИНН: 207 330 386 ОКЭД 58100  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ғазначилиги  
х/р 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

МТБ мудири



У.А.Нишанбекова

### ПУДРАТЧИ

**ШОХЖАХОН ТРАНС ҚУРИЛИШ  
СЕРВИС МЧЖ**

Тошкент вил Янгийул тумани Гулбахор  
кучаси 7 уй  
Ш/х: 2020800000241585001  
ИНН: 302663828  
МФО: 00440

Директор Зонров.Ғ.Ш



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

GJ7533170504

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **353-DMTT xudidini joriy ta'mirlash**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Yangihayot tumani maktabgacha talim bo'limi tomonidan 21.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangi xayot tuman  
yuridik markaz  
bosh yuristkonsulti:**



**B.I.ISMOILOV**  
24.10.2022

353 мактабгача таълим ташкилоти худудини жорий таъмирлаш ишларини

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йил	2022 йил												Умумий қиймати	
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022													485000	485000
	Жами														485000	485000

Минг сўм

"БЮРО МАНИ"  



"ПЛАТЧИ"  


353 мактабгача таълим ташкилотини ҳуқуқини жорий таъмиргани ишларини


МОЛИЯЛАШТИРИШ РЕЖАСИ

Минг  
сўм

Молиялаштириш жадвали	Йиллар	2022 йил															
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	Жами			
Йиллик иш ҳажмидан ҳисобланган 30% аванс маблағи	2022												145500				
Ажратилган аванс мблағинин инобатта олинб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган мблағ	2022												339500				
Жами молиялаштиришга линган мблағ	48500000 (Тўрт юз саксон беш миллион) сўм												485000				



БҲУЮРТУМАҶИИ



2022йил 21 октябрдаги 4-сонли

"TASDIQLAYMAN"



Yangiheyot tumani MTB mudiri-Xarid komissiyasi raisi

U.Nishanbekova

Yangiheyot tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ehtiyojlari uchun ishlar va xizmatlar, butloveli buyumlar va asbob-uskunalar xarid qilish bo'yicha "Xarid komissiyasi"ning yig'ilishi

BAYONI № 4

2022 yil "20" oktyabr

Toshkent shaxri

#### KUN TARTIBI:

Yangiheyot tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ehtiyojlari uchun ishlar va xizmatlar, butloveli buyumlar va asbob-uskunalar xarid qilish bo'yicha "Xarid komissiyasi"ning elektron eng yaxshi taklifni tanlash g'olibini e'lon qilish va shartnoma rasmiylashtirish to'g'risida

(U.NISHANBEKOVA, M.EGAMOV, B.ERGASHEV, J.BOZOROV, A.TASHMATOVA, D.TO'LAGANOVA)

Kun tartibidagi masala yuzasidan Xarid komissiyasi raisi U.Nishanbekova so'zga chiqib, 07.10.2022 yilda 22110012161219-sonli LOT raqami bilan bo'lim tasarrufidagi 353 maktabgacha ta'lim tashkiloti xududini joriy ta'mirlash bo'yicha <https://etender.uzex.uz> tizimiga e'lon berilganligini, kiritilgan takliflar O'RQ-684-son qonun talablari asosida ko'rib chiqilganligini va eng yaxshi taklifni tanlash g'olibi bilan o'rnatilgan tartibda shartnoma rasmiylashtirilishi lozimligini ta'kidlab o'tdi.

Bo'lim bosh buxgalteri orinbosari M.Egamov mazkur LOT bo'yicha 4 ta taklif kelib tushganligini va ular quyidagi tadbirkorlar tomonidan kiritilganligini ta'kidlab o'tdi.

1. OOO SHOXJAXON TRANS QURILISH SERVIS
2. TEMURBEKSTROY MCHJ
3. OOO EVEREST CONSTRUCTION PROJECT
4. AFRUZ BUNYODKOR MCHJ

Komissiya a'zolari elektron tizimdagi shaxsiy kabineti orqali eng yaxshi taklifni tanlash ishtirokchilarining taqdim etgan hujjat va ma'lumotlarni ko'rib chiqib, ball tizimida baholaganligini tasdiqladi.

Xarid komissiyasi raisi U.Nishanbekova baholash natijalari bo'yicha 2022 yil 17 oktyabr sanasida elektron tizimda 161219-sonli bayonnoma rasmiylashtirilib muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirilganligini va tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o'tkazish natijalari bo'yicha e'tirozlar kelib tushmaganligini ma'lum qildi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib ishlar va xizmatlar, butloveli buyumlar va asbob-uskunalar xarid qilish bo'yicha Xarid komissiyasi

#### QAROR QILADI:

1. OOO SHOXJAXON TRANS QURILISH SERVIS bo'lim tasarrufidagi 353 maktabgacha ta'lim tashkiloti xududini joriy ta'mirlash bo'yicha eng yaxshi taklifni tanlash g'olibi deb topilsin;
2. OOO SHOXJAXON TRANS QURILISH SERVIS va maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida 353 maktabgacha ta'lim tashkiloti xududini joriy ta'mirlash bo'yicha shartnoma rasmiylashtirilib, g'aznachilik bo'linmasidan ro'yxatdan o'tkazilsin;
3. Mazkur bayonnoma ijrosini nazorat qilishni o'z zimmasida qoldiraman.

#### KOMISSIYA A'ZOLARI:

Bosh buxgalter o'rinbosari

Maxsus ta'mirlash-ekspluatatsiya xizmati boshlig'i

Xodimlar bilan hisob-kitoblar

bo'yicha gurux rahbari

109-DMTT direktori

351-DMTT direktori

M.Egamov

B.Ergashev

J.Bozorov

A.Tasmatova

D.To'laganova

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161219 на приобретение 353-ДМТТ худудини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 17.10.2022

Время рассмотрения 17.10.2022 20:14

Закупочная комиссия Янгиҳает тумани Мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	NISHANBEKOVA UMIDA ABDUJABBAROVNA	Бўлим мудир	Янгиҳает МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ERGASHEV BABAMURAT XUSHBAKOVICH	Махсус таъмирлаш эксплатация хихмати бошлиғи	Янгиҳает туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	BOZOROV JAMSHID RUSTAMOVICH	Ходимлар билан ҳисоб- китоблар бўйича гуруҳ раҳбари	Член комиссии
<b>Член комиссии</b>	EGAMOV MUROD MUZAFFAROVICH	Бош ҳисобчи ўринбосари	Янгиҳает тумани МТБ
<b>Член комиссии</b>	TASHMATOVA AZIZA AYTMUXAMETOVNA	109-ДМТТ директори	Янгиҳает туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	TO'LAGANOVA DILFUZA MIRXAYDAROVNA	351-ДМТТ директори	Янгиҳает тумани МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.10.2022 года № лота 161219.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 92.00 / Весовой коэф. ценовой части: 8.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	490 378 686.00
Стартовая сумма	490 378 686.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 III. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOХJAXON TRANS QURILISH SERVIS	5	Маълумотлар юкланди	5	Экспертная		
ТЕМURBEK-STROY MCHJ	5	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	5	465859751	2	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	5	1	5	Экспертная		

Критерий №2 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги (Участка бошлиқлари, ва мастерлар ҳар бир ходим учун 1.5 бал). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлими 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга олий маълумотли 1 та мутахасис ходим мавжудлиги 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги 5. Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 10 кишида иборатлиги. 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOХJAXON TRANS QURILISH SERVIS	20	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
ТЕМURBEK-STROY MCHJ	20	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	20	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	20	465859751	4	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	20	7	16	Экспертная		

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп (Капитал, жорий таъмирлаш). (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOХJAXON TRANS QURILISH SERVIS	20	маълумотлар илова килинади	15	Экспертная		
TEMURBEK-STROY MCHJ	20	Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси	15	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	20	465859751	5	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	20	6	10	Экспертная		

Критерий №4 VI. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги 2. Объектнинг жамланма жадвали

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOХJAXON TRANS QURILISH SERVIS	3	маълумотлар илова килинади	1	Экспертная		
TEMURBEK-STROY MCHJ	3	Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома	3	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	3	465859751	1	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	3	5	3	Экспертная		

Критерий №5 V. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартнома асосида) қурилиш машина ва механизмлар мавжудлиги; Жумладан Қурилиш иншоотларида юк

кўтариш қуввати 10 тоннагача бўлган Юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган автотранспорт воситалари 2. Лойиҳани амалга ошириш учун балансида бошқа машина механизмлар мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOXJAXON TRANS QURILISH SERVIS	15	Маълумотлар илова килинди	15	Экспертная		
TEMURBEK-STROY MCHJ	15	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати	5	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	15	465859751	3	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	15	4	5	Экспертная		

Критерий №6 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 25 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Охириги уч йилда молиявий аҳволи ҳақида хужжатлар, аудитор компаниясининг уч йиллик хулосаси 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп. Охириги йил бўйича 7. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамида маблағлар мавжудлиги (хизмат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHOXJAXON TRANS QURILISH SERVIS	37	маълумотлар юкланди	26	Экспертная		
TEMURBEK-STROY MCHJ	37	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи	24	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	37	465859751	5	Экспертная		
AFRUZ BUNYODKOR MCHJ	37	2	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование	Стартовая	Предлагаемая	Сумма с	Применение	Общее	Дата	Оценка
--------------	-----------	--------------	---------	------------	-------	------	--------



ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ОГРАЖДЕНИЯ МТМ №353 ЛЯНГИХАЕТСКОГО РАЙОНА Т.ТАШКЕНТА

(наименование объекта)

№ п.п.	Наименование физических объемов работ	Единица измерения	Количество
1	2	3	4
<b>РАЗДЕЛ 1. ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ.ДЕМОНТАЖ</b>			
1	ДЕМОНТАЖ (СНЯТИЕ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОЛОТЕН С НАВЕСОВ) ВОРОТ, ДВЕРЕЙ И КАЛИТОК (СПЛОШНЫХ И РЕШЕТЧАТЫХ)	100 М2 ПОЛОТЕН	0,6040
2	РАЗБОРКА СТЕН КИРПИЧНЫХ	М3	0,9000
3	РАЗБОРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ ТИПА "АЛЮПАН" СТЕН С УСТРОЙСТВОМ КАРКАСА ИЗ ЖЕСТЯНОГО ПРОФИЛЯ	100 М2 РАЗВЕРНУТОЙ ПРОЕКЦИИ ПОВЕРХНОСТИ ОБЛИЦОВКИ	0,1500
4	ДЕМОНТАЖ МЕТАЛЛОКОНСТРУКЦИЙ ПОКРЫТИЙ	Т	0,2300
5	ДЕМОНТАЖ ЛЕСТНИЦ, ПЛОЩАДОК, ОГРАЖДЕНИЙ, ПАНЕЛЕЙ И ДВЕРЕК С ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННОЙ ОБШИВКОЙ	Т	12,9800
6	ДЕМОНТАЖ ОПОРНЫХ СТОЕК ДЛЯ ПРОЛЕТОВ ДО 24 М	Т	3,3000
7	РАЗБОРКА ФУНДАМЕНТОВ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ	М3	10,0000
8	РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 2	100М3	0,1000
9	ПОГРУЗОЧНО-РАЗГРУЗОЧНЫЕ РАБОТЫ ПРИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПЕРЕВОЗКАХ. МУСОР СТРОИТЕЛЬНЫЙ С ПОГРУЗКОЙ ВРУЧНУЮ: ПОГРУЗКА	Т	20,0000
10	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ, РАССТОЯНИЕ ПЕРЕВОЗКИ 15 КМ, КЛАСС ГРУЗА 1	Т	20,0000
<b>РАЗДЕЛ 2. МОНТАЖ.ОГРАЖДЕНИЕ-1</b>			
11	УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЯ ПОД ФУНДАМЕНТЫ ЩЕБЕНОЧНОГО	М3	11,0500
12	УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ПРИ ШИРИНЕ ПОВЕРХУ ДО 1000 ММ	100М3	0,8840
13	АРМАТУРА Д-10ММ	М	6625,000
14	КАТАНКА Д-5ММ	М	200,0000
15	УСТРОЙСТВО ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОЛОНН В ДЕРЕВЯННОЙ ОПАЛУБКЕ ВЫСОТОЙ ДО 4 М, ПЕРИМЕТРОМ ДО 2 М	100М3	0,0900
16	АРМАТУРА Д-10ММ	М	592,0000
17	КЛАДКА СТЕН ИЗ ЛИЦЕВОГО КИРПИЧА ТОЛЩИНОЙ 250 ММ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М	М3	34,0000
18	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	М3	0,3088
19	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 М2 КРОВЛИ	0,3000
20	РЕШЕТЧАТЫЕ КОНСТРУКЦИИ (СТОЙКИ, ОПОРЫ, ФЕРМЫ И ПР.), СБОРКА С ПОМОЩЬЮ ЛЕБЕДОК РУЧНЫХ (С УСТАНОВКОЙ И СНЯТИЕМ ИХ В ПРОЦЕССЕ РАБОТЫ) ИЛИ ВРУЧНУЮ (МЕЛКИХ ДЕТАЛЕЙ)	Т	1,1544
21	МОНТАЖ ЛЕСТНИЦ, ПЛОЩАДОК, ОГРАЖДЕНИЙ, ПАНЕЛЕЙ И ДВЕРЕК С ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННОЙ ОБШИВКОЙ	Т	1,1544
22	ПРОФИЛЬ 20Х20ММ	М	818,0000
23	ПРОФИЛЬ 25Х10ММ	М	438,0000
<b>РАЗДЕЛ 3. МОНТАЖ.ОГРАЖДЕНИЕ-2</b>			
24	УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЯ ПОД ФУНДАМЕНТЫ ЩЕБЕНОЧНОГО	М3	5,0000
25	УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ПРИ ШИРИНЕ ПОВЕРХУ ДО 1000 ММ	100М3	0,4000
26	АРМАТУРА Д-10ММ	М	3000,000
27	КАТАНКА Д-5ММ	М	100,0000
28	УСТРОЙСТВО ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОЛОНН В ДЕРЕВЯННОЙ ОПАЛУБКЕ ВЫСОТОЙ ДО 4 М, ПЕРИМЕТРОМ ДО 2 М	100М3	0,0410
29	АРМАТУРА Д-10ММ	М	272,0000
30	КЛАДКА СТЕН ИЗ ЛЕГКОБЕТОННЫХ КАМНЕЙ БЕЗ ОБЛИЦОВКИ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М	М3	28,0000
31	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	М3	0,1440
32	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 М2 КРОВЛИ	0,1400
<b>РАЗДЕЛ 4. ВОРОТА-1</b>			
33	УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЯ ПОД ФУНДАМЕНТЫ ЩЕБЕНОЧНОГО	М3	2,2000
34	УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ПРИ ШИРИНЕ ПОВЕРХУ ДО 1000 ММ	100М3	0,0660
35	АРМАТУРА Д-16ММ	М	110,0000

36	АРМАТУРА Д-18ММ	М	110,0000
37	КАТАНКА Д-5ММ	М	80,0000
38	УСТРОЙСТВО ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОЛОНЫ В ДЕРЕВЯННОЙ ОПАЛУБКЕ ВЫСОТОЙ ДО 4 М, ПЕРИМЕТРОМ ДО 2 М	100МЗ	0,0320
39	АРМАТУРА Д-16ММ	М	80,0000
40	УСТРОЙСТВО РИГЕЛЕЙ ГРАЖДАНСКИХ ЗДАНИЙ	100МЗ	0,0170
41	АРМАТУРА Д-18ММ	М	64,0000
42	УСТАНОВКА ЗАКЛАДНЫХ ДЕТАЛЕЙ ВЕСОМ ДО 4 КГ	Т	0,1000
43	МОНТАЖ СВЯЗЕЙ И РАСПОРОК ИЗ ОДИНОЧНЫХ И ПАРНЫХ УГОЛКОВ, ГНУТОСВАРНЫХ ПРОФИЛЕЙ ДЛЯ ПРОЛЕТОВ ДО 24 М ПРИ ВЫСОТЕ ЗДАНИЯ ДО 25 М	Т	0,1280
44	ПРОФИЛЬ 40Х40ММ	М	55,0000
45	РАСКРОЙ И ИЗГОТОВЛЕНИЕ ПАНЕЛЕЙ ИЗ ЛИСТОВ "АЛЮПАН"	100М2 РАЗВЕРНУТОЙ ПРОЕКЦИИ ПОВЕРХНОСТИ ОБЛИЦОВКИ	0,4400
46	ОБЛИЦОВКА ФАСАДА ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ ТИПА "АЛЮПАН" С УСТРОЙСТВОМ КАРКАСА	100М2 РАЗВЕРНУТОЙ ПРОЕКЦИИ ПОВЕРХНОСТИ ОБЛИЦОВКИ	0,4400
47	НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100М ТРУБ	0,0860
48	УСТРОЙСТВО ЖЕЛОБОВ ПОДВЕСНЫХ	100М	0,1200
49	ЖЕЛОБ	М	12,0000
50	РЕШЕТЧАТЫЕ КОНСТРУКЦИИ (СТОЙКИ, ОПОРЫ, ФЕРМЫ И ПР.), СБОРКА С ПОМОЩЬЮ ЛЕБЕДОК РУЧНЫХ (С УСТАНОВКОЙ И СНЯТИЕМ ИХ В ПРОЦЕССЕ РАБОТЫ) ИЛИ ВРУЧНУЮ (МЕЛКИХ ДЕТАЛЕЙ)	Т	0,6090
51	МОНТАЖ ВОРОТ	Т	0,6090
52	ПРОФИЛЬ 80Х80ММ	М	12,0000
53	ПРОФИЛЬ 20Х20ММ	М	470,0000
54	ПРОФИЛЬ 50Х40ММ	М	20,0000
55	ПРОФИЛЬ 40Х20ММ	М	17,9000
56	ПЕТЛЯ БОЛЬШАЯ	ШТ	12,0000
57	ПЕТЛЯ МАЛЕНЬКАЯ	ШТ	7,0000
58	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ РЕШЕТОК, ПЕРЕПЛЕТОВ, ТРУБ ДИАМЕТРОМ МЕНЕЕ 50 ММ И Т.П., КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК 2	100М2	3,5000
<b>РАЗДЕЛ 5. ОБЩЕСТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ</b>			
59	РАЗБОРКА ПОДШИВКИ ПОТОЛКОВ: ЧИСТОЙ ИЗ ФАНЕРЫ	100М2	0,2400
60	ДЕМОНТАЖ ДВЕРНЫХ КОРОБОК В КАМЕННЫХ СТЕНАХ: С ОТБИВКОЙ ШТУКАТУРКИ В ОТКОСАХ	100ШТ	0,0100
61	ДЕМОНТАЖ ОКОННЫХ КОРОБОК: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ С ОТБИВКОЙ ШТУКАТУРКИ В ОТКОСАХ	100ШТ	0,0300
62	ОБЛИЦОВКА ПОТОЛКА ДЕКОРАТИВНЫМИ ПЛАСТИКОВЫМИ ПАНЕЛЯМИ С УСТРОЙСТВОМ С КАРКАСА БЕЗ ОТНОСА ОТ ПОТОЛКА	100М2	0,2400
63	УЛУЧШЕННАЯ МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ СТЕН ЗА ОДИН РАЗ С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ: ДО 35 %	100М2	0,5000
64	ОКРАШИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ СТЕН ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ: РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ ВОДОЭМУЛЬСИОННОЙ КРАСКОЙ С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ: ДО 35 %	100М2	0,3000
65	УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0,0144
66	УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ПВХ ПРОФИЛЕЙ: ПОВОРОТНЫХ (ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ) С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2 ДВУХСТВОРЧАТЫХ	100 М2	0,0506
67	УСТАНОВКА НАГРЕВАТЕЛЕЙ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ВОДОВОДЯНЫХ	10КОМПЛ.	0,1000
68	ПРОВОД В ЗАЩИТНОЙ ОБОЛОЧКЕ ИЛИ КАБЕЛЬ ДВУХ-ТРЕХЖИЛЬНЫЕ ПОД ШТУКАТУРКУ ПО СТЕНАМ ИЛИ В БОРОЗДАХ	100М	0,1500
69	ПРОВОД СЕЧ.2,5ММ	М	15,0000
70	ВЫКЛЮЧАТЕЛИ, ПЕРЕКЛЮЧАТЕЛИ И ШТЕПСЕЛЬНЫЕ РОЗЕТКИ. РОЗЕТКА ШТЕПСЕЛЬНАЯ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ	100ШТ	0,0100
71	РОЗЕТКА	ШТ	1,0000
72	УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ	100М2	0,2400
73	УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ НА КАЖДЫЕ 5 ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СТЯЖКИ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМЕ 11-01-011-01	100М2	0,2400

МТБ Икелмугатсия болумзи

353-ДМТТ директори

353-ДМТТ кўрсалми мугдари



Б. Иргашев

У. Солиев

К. Аманова